

| ШЕЪР ВАҚТИ |

Турсун АЛИ

МАЪЮС ШОДЛИК

Шеърлар, таржималар
2018 — 2020



Тошкент
«Академнашр»
2020

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)6
А 49

А 49

Али, Турсун.

Маъюс шодлик [Матн]: шеърлар / Турсун Али. – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 96 б.

ISBN 978-9943-6360-8-8

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)6

Турсун Алининг навбатдаги шеърий тўплами бош қахрамонлари – Рух, Кўнгил, Ошиқ ва Махбуба табиатнинг турли манзаралари орқали жонли бўёқларда тасвирланган. Сатрларидаги ажиб ранглар ва оҳанглар, қутилмаган образлару янги ташбеҳлар сизни теран мушоҳадаларга бошлайди. Шунингдек, ушбу китобда муаллифнинг таниқли рус шоири Велимир Хлебников шеърларидан қилган таржималари ҳам ўрин олган.

Сўнгсўз муаллифи:

Виктор Алимасов, фалсафа фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-6360-8-8

© Турсун АЛИ
«Маъюс шодлик»
© «Akademnashr», 2020

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

*Мен сенга интилдим шамоллар оғушида,
Чакмоқ шуъласида топиб йўл.*



ЮРТ ОДАМИ

Ватан кенгликларин ардоқлаб суйгай,
кучар дарё сохилин кучгани каби.
Юрт одами кундуз тинмайди,
тунлар тиним йўқ.
Не тонг, тафаккур оламида,
ҳар қадамида
яралгай кашфиёт,
яралгай Абадият.
Унинг онги,
шуури
заранг тупроқ,
тоғлар қаърига энар.
Вужуд-вужудига кўшнинг олтин нурлари инар.
Ватан,
эл қайғуси
уни етаклар ўтмиш,
бу кунга,
қўл берар юлдузларга.
Эртаси ёруғ, шубҳасиз.
У Ватан сарҳадлари аро елдишим шамолдек еладур,
Қадамида боғлар гуллар тўлиқиб.
Ҳаёт уммонида асрларга кетгулик бинолар қалқир.
Адир этакларида шовуллар буғдойзор.
Жўшиб қўшиқ айтар сой.
Ҳориган ерларда балқир пахтазор,
теграсида сабо ишқ айлар изҳор.
У йўлдан-да узун йўл юрар,
само дарвозасига туташ кўприклар...
Ҳаяжонга чўмилар Дунё.
Ҳаяжонга чулғанар Осмон.
Ҳаяжонга бурканар юрагим – Ўзбекистон!

ОНА ТИЛИМ

Жоним риштасига боғланган тилим
Рухим осмонида Қуёшдир,
Ойдир.
Кўнглим боғларида сайроқ булбулим,
Томиримда қондир – дарёдир, сойдир.

Она тилим,
Жон берган ишқингда Фитрат,
Усмон Носир тўккан юрак қонини.
Қалбимнинг қаъридан аримас ҳасрат,
Қодирий бахш этган сенга жонини.

Қадим Она тилим,
Жоним риштаси,
Мен ҳам жон чекканман озод йўлингга:
Умрим адо этди сўз фариштаси,
Мен бошимни тикдим сенинг кўнглингга.

Жоним риштасига боғланган тилим,
Юртим осмонида Ойдир,
Қуёшдир.
Ҳуррият юртида музаффар элим
Она тилим билан эгилмас бошдир.

Жоним риштасига боғланган тилим...

УРУШ

Уруш кино тасмаларида эмас,
Йўқ, сарғайган китоб бетларидамас.
Уруш соғинч қотган кўзларда,
Жангчи сочларидек тўзғоқ хаёлларда,
Армон сирқираган сўзларда..
Енглари ҳилпироқ кўйлақда,
Дўппидек тупроқда,
«Тақ-туқ» одим отаётган
Ҳорғин қўлтиқтаёқларда уруш..
Бу кун гул узра ўйнар капалак,
Капалакдек яйрар юрак.
Менинг чақноқ кўзларимда,
Тўлқин янглиғ оққан қонимда
Урушга қарши ҳар лаҳза – уруш!

1978–2019

ТОШКЕНТ СИТИ ОҚШОМИ

Тошкент Сити оқшоми ажаб,
Оқ нурларга беланган малак.
Оққуш қанот бинолар жозиб,
Меҳр-ла нур тарайди фалак.

Кўк қўйлақда ястанган ҳовуз,
Шабадада шивирлайди сув.
Кўкда чўғдек ёникқан юлдуз,
Нурга чўмган оқшомлар сулув.

Шодликлардан жўшар фаввора,
Осмон сари сочар марварид.
Кўксин очар гуллар тобора
Таратганча рангин, гўзал ҳид.

Кумуш тонглари отади сокин,
Тошкент Сити мисоли ҳур қиз.
Бир жозиб кўй таралар бетин,
Кўнгил яйрар кечаю кундуз.

Тошкент Сити гўёки ҳур қиз.

БАҲОР

Дўрмон боғларида кезмоқда баҳор –
Ҳилпираган, рангин кўйлақдаги қиз...
Ёмғир оғушида борлиқ беғубор,
Кўнглимда уйғонур ҳаяжон ва ҳис.

Рухим кенглигида кезади шодлик,
Бинафша шаклида энтикар юрак.
Ҳовлимда шафтоли гуллади-ку илк!
Мовий шаббодага тўқинар кўкрак.

Ариқ нишабида ниш урар ялпиз,
Кўк сомса ҳидига тўлар димоғим.
Чиройга бурканган ҳаттоки кўнғиз,
Нафис хаёлларга чўмади боғим...

Осмонда тасбеҳдек яна турналар,
Сафи бехатоми? Ўйларим нохуш...
Видо туйган дилим оғир тирналар¹,
Юрак типирчилар, гўё у ҳам қуш.

Кўнглим оламида баҳор ҳавоси,
Гоҳида чарақлар руҳимда офтоб.
Кириб келган баҳор дардлар давоси,
Кўксимни тўлдиргай ажойиб хитоб!..

Зеро, Ватанимда мангудир Баҳор.

¹ Дўрмон ижод боғидан ўтган устозлар эсланган.

КЎКЛАМ ТАШБЕҲЛАРИ

Дарахтларга оқ шуълалар қўнган маҳалда
Дайди шамол тинади бирдан.
Баҳор келдимикан, а?

Эрта тонг сайради,
Овози ўйғотди дунёни –
Жисмидан юраги катта Қуш.

Боғни сайр этаман ҳар наҳор.
Ифорлар изидан ҳушим ўғирлаб,
Қайга шошаяпсан, айт-чи, шаббода?

Боғларга қўшилиб гуллади осмон,
Этагида бир гала булут.
Кимнинг болалари бўлса экан, а?

Теграсидаги шамолларга бепарво,
Жим кетаётир
Соч-соқоли гуллаган Баҳор!

ЛАҲЗАЛАР

(Туркум)

1

Яхши яшадимми?
Билмайман.
Кел, бугун қўлларинг бер,
Юрагим эшиги сенга очиқ,
Севгилим!

2

Сенинг ўтли кўзларингга тикилдим,
Кўрдим
Ёнаётган чўғдек ўзимни.
Энди бахтлидирман, севгилим,
Балки.

3

Сокинлик шовқини уйғотди,
Ўзимни отдим кун қаърига,
Ҳайқириб югурди кўзлар сен томон.

4

Олачалпоқ кечани оралаб
Қайтмоқдаман мовий дунёга.
Бунча узун, о, Сомон йўли?!

5

Мен кимсасиз, ёлғиз йўлдаман,
Пойимда оҳ чекар тошлар уюми!

6

Қанот қоқди намчил шабада,
Ай, чўғ туйғуларимни
Олиб боргай сенга, қоракўз!

7

Кулранг булутлар изғир бошимда,
Мен ёндириб ўзимни
Чақмоқ қўлларимни чўзаман бирдан.

8

Мунчоқдек тизилиб ўтганда турналар
Мен ҳам сафингизни тўлдирсам дейман.

9

Қарашларинг бунчалар гўзал,
Адо бўлмоқдаман тобора.
Фақат ўзинг кераксан, қоракўз.

10

Осмон денгизида қалқиб оқмоқда
Ложувард булутлар.
Наҳотки, ишқ йўлида сарсон улар ҳам?

11

Суюнгин менга сен, севгилим,
Баҳорим ўткинчи эмасдир асло.

12

Қай куйларга солдим сени мен,
Кўнглим ичра шеър ўқиётган
Турсун Али деган шоир, а?

13

Муҳаббат эпкини бағримдан эсиб,
Жаннатмакон этди бу боғни тақрор!

14

Бу кеча юзини яширди осмон.
Бир лаҳза кўролмадим
Паризодлар волидаси – гўзал Ойни мен!

15

Остен² хоним,
Тилингизни тушунмайман, рост.
Кўзларингиз ҳайратин тинглаяпман жим.

16

Манов имиллаётган тошбақа
Асрлар қаъридан кечар
Саҳро қумзорлари оралаб, ажаб!

² Ўзбекистонга келган сайёҳ.

17

Китоб ичида яшаётган
 Мен тушуниб етган-етмаган одам,
 Шошма, ҳой, қаёққа ахир?..

18

Йилларни одимлаб чиқар,
 Кезар дунёни
 Рухида ҳиссиёт қайнаган,
 Шеър тилида сўзлашган одам.

19

Кенжа ўғлим фарзандлик бўлди.
 Неча ёшга кирдим, айт, қари Дунё?

20

Ёз ёмғиридан сўнг учар капалак.
 Шаффоф кўл бағрида сузган балиққа
 Тақлид қилмоқчи, чоғи, бояқиш.

21

Шабада урилди яланг кўксимга,
 Кўзларимдан чиқиб,
 Тагин кенгликларга олиб кетди бош.

22

Сукунат тасвирин чизмоқчи рассом.

* * *

Ёмғир тинди. Осмон мусаффо,
Гўзалликка бурканар атроф.
Бунча тоза бўлмаса ҳаво!
Дарахтларнинг новдалари соф.

Кўм-кўк майса қиқирлар – бола,
Рўйи замин, осмон зангори.
Қушчалар ҳам этмайди нола,
Ҳеч кўнгилнинг йўқ, йўқ ғубори.

Юртим бўйлаб уйғонган баҳор,
Юрагимда ёшарган севги.
Тоғларда ҳам эримокда қор,
Кўзларимда ям-яшил кулги.

Юрагимда ёшарган севги!

* * *

Саратон.
Жизғанак қумзор оралаб кетдим.
На дарахт,
На жилдираган сув.
Оловдан бошқа сути йўқ Қуёшга тикилдим,
Ёнаётган дарахтдек ловуларди,
Чанқоқ ўртади кўнглимни.
Энтикдим,
Юраётганимдан хурсанд эдим мен.
Қалбимда
Исмсиз бұлоқлар
Бор эди
Оқаётган телба дарёдек.

ЗОМИН ТОҒЛАРИДА

1

Ёз. Зомин тоғида кезади салқин,
Ҳаволар мовийдир жонга шифобахш.
Қадимий арчалар тебранар сокин,
Еллар оғушида энтикиб намхуш.

Мен чўққилар сари юраман шахдам,
Рухимда ғаройиб ҳис ва ҳаяжон.
Кўнглим ҳам юксалар тоғдек ушбу дам,
Чўққига талпинар қушдек митти жон.

Кел, қуёш, қўлларинг чўзгин мен сари,
Булутлар ватанин кезай вақтичоқ.
Бунда тошлар гуллар гўёки пари,
Гўзаллик руҳиман, не тонг, ушбу чоғ.

Сархуш шабадага кўксимни очдим,
 Ёр нафасидек руҳ бахш этди у.
 Олов туйғуларим гулларга сочдим,
 Умримнинг энг лазиз онлари шудир.

Беғубор ҳавога тўлади кўксим,
 Балки, минг асрга ёшардим бу дам.
 Илҳом оғушида сербулоқ руҳим,
 О, Зомин тоғлари бунчалар кўркам!

Кўк кўйлак арчалар мисли паризод,
 Бағрига чорлайди яшнатиб кўзни.
 Вужудимда сойдек оқар ҳиссиёт,
 Тамом, бахш этаман йўқотиб ўзни...

2

Тоғлар ичра ўрлаган йўл,
 Авто учар, жонзот юрар.
 Чўққиларга узатиб қўл
 Югуради дарё – юрак.

Қуёш сочар кумуш шуъла,
 Кўз очади ёруғ орзу.
 Мискин қалбда бир ашула,
 Чўққидан бўй бергай оху.

3

Тўрт тарафим катта тоғлар,
 Унгурларда ялтирар қор.
 Юрак куйлар бундай чоғлар,
 Кўзларимда ажиб виқор.

Кийикўт бўй тарар шинам,
Вужуд ором оғушида.
Унутилар қайғу бир дам,
Эртақ мисол оқ гўшада³.

4

Зомин тоғларида қанот ёйган тун,
Қоялар баҳайбат соядир гўё.
Совқотган шаббода эсади беун,
Сукунат оғушига ғарқдир дунё.

Кеча қучоғида кезаман ёлғиз,
Кўкда от ўйнатар чарақлаган ой.
Ёғдулар сочади чўғ каби юлдуз,
Кўз очар тоғларда ғаройиб чирой.

Сокин лаҳзаларда жимгина кезиб,
Тоғлар кечасидан излайман илҳом.
Туйғуларим кезгай чўққидан ўзиб,
Оққуш кошонага ундар беором.

5

Зомин.
Август тунни.
Намхуш шаббода
Эсади юзимни чимчилаб муздай.
Ёғдуга чулғанган олис йўлимга
Кўз тиккан
Бир аёл ёниқ юлдуздай...

³ Оқ гўша – Навоий кон-металлургия комбинати санаторияси назарда тутилган.

* * *

Тоққа тикиламану
Ҳайратим чўққилар, қоялардан юксалади,
Юксаклик сари чиқа бошласангиз,
Оёфингиз остидан
Қанчадан-қанча тошлар юмалайди пастга,
Ёмғиру селлар
Не замонларки емирар тоғларни,
Кемирар.
Қуёшнинг ўтли нурлари
Не-не тошларни чатнатар,
Синдирар.
Шамолу бўронлар, тошлар – болаларини
Кўкка совуради бешафқат,
Тоғ,
Булутларга бошин тираганча,
Абадият қўшиғини куйлаганча
Тураверар
Мағрур.
Тоғ диёри зигирча ватан.
Ҳайратим,
Ҳайратим –
Тоғ олдида қувноқ бир томчи.

СЎХ ДАРЁСИ

I

Эй Сўх дарёси,
сохилда юрибман танҳо,
Шарқираб,
итқитиб не-не тошларни,
оқасан телбадек.
Гарчи
август кунлари лойқаланиб оқгайсан,
ранг-рўйинг тоғларга уйқаш.
Қумлар,
тош парчалари
изғир қўйнингда.
Эй дарё,
ўжарсан қўнглим каби,
Тин билмассан юрак сингари.
Сен жимликни сўймайсан сира.
Сукунат ўлимдир –
мавж уриб оқмаслик ўлим.
Гоҳида қирғоққа бош ургайсан,
учурсан сапчитиб тўлқин
ва парвоз айлайсан жўшқин.
Эй дарё,
о, тирик мавжудотсан – кушсан гўё.

Менинг қофияга сифмаган синик
 сатрларимдек
 Оҳанг таратасан мунгли ва ғамгин.
 Эй дарё:
 Менга аён-ку туғилган жойинг,
 бу тоғлардан нари – тоғлар кучоғи.
 Сен ҳам
 менингдек йўл босиб келасан олис.
 Паноҳинг ҳам,
 ўтинчинг ҳам ўзингсан ёлғиз.
 Эй дарё,
 бағринг тўла харсанглар,
 ҳали манзил узун,
 ҳали манзил маҳзун.
 Олдингда тўғонлар,
 қўйнингда тўфонлар,
 бағринг тўлғанар...
 Эй дарё,
 мен соҳилда юрибман юрак-ла,
 ҳайқирар ичимда танҳо бир Дунё.

II

Эй Сўх дарёси,
 кўнглим яраси.
 Сенинг соҳилингда келгунга қадар
 не-не тўғонлардан ўтиб келмадим.
 Осмон қадар узундир йўл,
 ҳузундир йўл...
 Эй ёвқур дарё,
 бунча чигал бўлмаса дунё!..
 Раққосдай тўлғониб, ошиб тоғлар келасан,
 умр каби еласан.
 О, менга қисматинг ила ёқасан.
 Эй қисматдош
 ва йўлдош
 Сўх дарёси.
 Мен соҳилда юрибман ўйчан, паришон,
 ўйларимнинг йўқдир адади.

МУСАБВИР

Дилором Мамедова ранглар билан ёлғиз.

Суврат чизмоқда

Юрагин қон ранглари ила.

Ҳислари,

туйғулари,

ҳаяжони қоришмоқда рангларга.

Суврат чизаётир у ёлғиз.

Тоғу

тош,

табиат,

борлиқ қоришмоқда рангларга.

Суврат чизаётир у ёлғиз,

бугун,

эрта,

индин,

яна қатор кунлар,

йиллар,

асрлар қоришмоқда рангларга.

Суврат чизаётир Дилором ёлғиз.

Зотан,

қуёш,

ой,

замин ёлғиз бўлганидек,

у суврат чизаётир ёлғиз.

* * *

*Д.Мамедованинг
«Сокинлик» асарига ёзув*

1

Поёнсиз дала...
Оқ кўйлақда сукунат ялтирар,
Туялардан улкан дарахтлар соясида
Хувиллаган чорпойда Ёлғиз аёл –
Бошида булутдек рўмол.
Аёлни ютади бесарҳад хаёл,
Қайда қолди чоли?
Узоқларга чопар Аёл кўзлари.
Ўт-ўланларни титкилар хиёл,
Хув, қайдасиз?
Сўфитўрғай каби
Ҳавода муаллақ сўзлари.
Балки, ухлаб қолган уватда
Офтоб нафасини кўтаролмай беҳол?
Шарқираган ариқда
Даласига сув тўсаётир, эҳтимол?
Улоқдаги отдек ёз хансирар,
Бир тутам шаббода тутолмай.
Сокин чорпойда
Ёлғиз аёл,
Ёнида мушtidан катта тугунча.

Хувиллаган чорпойда Ёлғиз аёл...

* * *

*Д.Мамедованинг
«Тутлар» асарига ёзув*

2

Оқ Шом...
Бийдек дала,
Шип-шийдам тутлар.
Япроқ – кўз нурлари
Лой ичра, ёху.
Бошида аланга –
Олов булутлар,
Йўқ,
Булутлар эмас,
У тутлар оҳи.
Дунё – ўпқон,
зулмат,
Ой йўқ,
юлдуз йўқ.
Тутлар кўксин ямлар шамоллар фақат,
Теграсида эса
Қиш урадур дўқ.
Мен ҳам тун кўйнидан
Ўр панжаларим
Тут новдаларидек чўзаман кўкка.
Олов туйғуларим –
Ўтли дардларим
Юрагим қаъридан тошар фалакка.
Истайман қалбимга,
Рухимга қанот...

РАНГЛАР ОҲАНГИ

1

Ҳассага таяниб йўл юрар
сочлари оппоқ чол.
Тобора
кичрайиб бормоқда Улкан йўл.

2

Наҳот, овозингни эшитдим,
юрагим жарига қулаган
оҳудек хуркак севгилим?

3

Жуда узун кечди ёмғирли кун.
Умримдан узун
кипригимга қўнди рутубат томчилар.

4

Қизариб бормоқда осмон,
Ҳозир қулар толиққан офтоб.
Мен эса қўнглиннга излайман йўл.

5

Руҳим қуши кетар уйғониб
мавланиб оққанда мовий булутлар.

ОҚАР ДАРЁЛАР

Озод Шарафиддиновга

«Тирик сатрлар»ни⁴ жойлаб юракка,
Фитрат қадамларин излади кўзи.
Умид қанотлари Ойдан юксақда,
Оқ нур тўшайверди
Кўнгил юлдузи.

Абдулла Қодирийнинг дардларин тутиб,
Чўлпоннинг ҳар сатрин руҳига жойлаб,
Тарихнинг сўнмаган қўрларин титиб
Яшайверди
Шаффоф кунларни пойлаб.

Теграси полапон толиблар ғуж-ғуж,
Не-не алломалар тизилмиш бот-бот.
Адабиёт бермиш унга шердек куч,
Тахтада жанг борар,
Не ажаб, «Шоҳ! Мот!»

Бугун эркалайди озодлик ели,
Хуррият қуёши бошида балқир.
Озод Шарафиддин кутган кун келиб,
Оқар дарёларда
Ой янглиғ қалқир.

1998 – 2019

⁴ О.Шарафиддинов тайёрлаган китоб номи.

ЭСЛАШ

1

Дўрмон боғларида учрашдик,
Куз,
Дарахтлар ёнарди чўғдек.
Кўзда парча булут қушлар галаси
Учарди ҳавони кесиб пичоқдек.
Кўз қадаб осмонга Абдулла Ориф:
«Ай қушлар,
 бахтлисиз,
 учасиз эркин,
истак,
 хоҳишингиз йўллар,
 қай тараф –
сизни осмон қучар,
 кенгликлар сокин», –
 дея
 у ҳайқирди,
 чўкиб юраги,
уфқда кўзлари қолди жовдираб...
...Бугун куз,
Титрайди дарахтлар барги,
Бир ўзим юрибман боғда дилдираб.
Пойимда хазонлар, шамоллар эсар,
Учиб кетган Шоир – қушларга ҳамроҳ...

2

Тушимга Абдулла Ориф кирди кеча.
Ажаб,

устоз ва мен
ўрламоқдамиз тоғ сари.
Пойимизда буқалардек кўп турфа тошлар
хайқирар
 қарсиллар,
 синар...
Денгиз кемасидек боряпмиз
 чайқала-чайқала,
бошимиз ўзра булутлар – қалъа.
Олқорлардек тирмашамиз ханжар тошларга.
Тирноқларимиз қон,
қон сачрар вужудимиздан,
қон сачрар тошларга,
 ҳавога,
 маъвога...
Во ажаб,
қўл берамиз қуёшга,
 ойга.
Дунё ёришади – ёришгай руҳимиз.
Туш эрур – руҳ мангулиги!

«ОҚ ОЛМАЛАР...»

Ҳалима Худойбердиева хотирасига

Эрк аёли ёруғ оламдан ўтди.
Йўқ, йўқ.
Эл шоири дунёдан ўтгани йўқ!
Ер бўйлаб шамоллар ўтди,
Бўрон ўтди дилни тўзғитиб,
Оқ олмалар тўкилди...
Чақмоқ чақнади булутлар кўксини йиртиб,
Йўқ,
Шоир оламдан ўтган эмас ҳеч!
Ўтган ўғлин⁵ охи-соғинчи-ла
Қора ер қаърига кетди интизор.
Эрк шоири ёруғ оламдан ўтди.
Йўқ, йўқ.
Намхуш қоғоз узра ҳеч ёзолмаган,
Кўнгили пиёласин ҳеч тўқолмаган,
Ёруғ оламдан-да Ёруғ сўз излаб,
Илоҳий сўз кўзлаб, сўз кўзлаб
У кетди.
У
Оҳу фиғони Тангрига етди.
Эрк аёли ёруғ оламдан ўтди.
Йўқ, йўқ.
Эл дардига,
Оҳ, изтиробига,
Зардобига...
Шеърятдан-да ёруғ,
Сўздан-да улуг,
Самовий туйғулар ишқи-ла
Қуръон, Ёсин қанотларида
Қақнус каби учар Абадият кенгликларида.

⁵ Ҳ.Худойбердиева ўғли ёнига дафн этилганига ишора.

ТУШЛАР

1

Бу кеча
ғалати туш кўрдим мен.
Воҳ, қушлардек
дарахтлардан
дарахтларга учар эмишман.
Ажабо,
дарахтлар қоп-қора
булутлардан эмиш юсак.
Ғалати туш кўрдим мен бу кеча.

2

Асқад Мухтор кирар тушларимга
бир эмас,
икки эмас,
кўп бор.
Бир тушимда поезд бекати эмиш,

кўл балиғидек тирбанд эмиш одамлар.
Қўшиқдек янгрармиш қадамлар.
Асқад Мухтор менга ўйчан тикилиб,
нимадир тутқазди қўлимга.
Оловмиди, билмадим, оловмиди?
Вужудим ловуллаб ёнди-ку,
қафасда талпинган қушчадек
кўксимга сиғмасди юрагим.

3

Дардчил хаёл оғушида
мен ўхлаб қолибман.
Воҳ,
рахматли онамнинг
маъюс товуши
уйқудан уйғотди мени.

4

Ажабо, тушимга илонлар кирар,
Атрофимда юрар судралиб.
Ўралиб,
Чирмашиб,
Борар оёқларимга тирмашиб.
Тик тутиб бошин,
Ўйнатар
Заҳарли айридек тилин.
Мен эса бесўз,
Бепарво,
Ўтли кўзим тикарман мағрур.
Ажаб,
Тушим ўхшар бунча ўнгимга!

ПАБЛО НЕРУДА

Пабло Нерудадан ўқир эдим шеър,
Ой парда тортганди,
Юлдузлар нурсиз.
Дарахтлар баргини тўқарди бир-бир,
Куз боғлар қўйнида кезар аёвсиз.

Дераза зиҳидан инарди совуқ,
Кўзларимда қотган мунғайган сукут.
Ҳавонинг авзойи кўнглимдай бузуқ,
Юрагим осмони қоп-қора булут.

Пабло Нерудадан ўқир эдим шеър.
«Бугун танҳо ҳасрат.
Шоир ва дунё»,
Пабло жасадини олган Она Ер
Қаъридан тингладим мунгли бир садо.

Пабло Нерудадан ўқир эдим шеър,
Томчилар китобга, оҳ, илиқ ёмғир.
Эй қариётган куз,
Кел, қўлингни бер,
Серғалаён дунё бунчалар оғир!..

«БОР»⁶

Шоир юзларида куларди кулгич,
 Қани ўша кулгич?! Топмасман бу кун.
 Шоир юрагида оташин илинж,
 Қани ўша илинж? Йўқотдим бу тун!

Шоир кўзларида «Бор» эди овоз,
 Қани, ўша овоз? Тинглайин бир зум.
 Бағрини йиртди-ку мисоли қоғоз,
 О, қани ўша қайғу? Излайди кўзим.

Шоир дарвешона кезди дунёни,
 Қани ўша дунё? Йўқолган, эсиз.
 Тунга бахш этди у ёруқ зиёни,
 Қани ўша зиё? Излайман сўзсиз.

Шоир бор овоз-ла ҳайқирди сокин,
 Бир гўзал шеърият яралди, не тонг!
 Не-не кўнгулларни остину устин
 Айлади туйғулар, оҳанг ҳамда онг.

Адабиёт – жондир, адабиёт – дард,
 Шоир абадийдир илҳом ониди!
 Унинг шеърларида ҳаёт, муҳаббат
 Ва яна Ватани бўлса ёнида.

⁶ «Бор» – Абдували Қутбиддиннинг шеърий китоби.

ТЎХТАБ ҚОЛГАН ВАҚТ

1

Кўнглим билан ёлғизман, ёлғиз
Рухимда рутубат қўланкаси,
Мана ҳозир,
Мана ҳозир
Булут қанотидан тўкилар ёмғир.

2

Зерикдим, кўнглимга дунё тор,
Гўё тўхтаб қолган вақт.
Кимдир ғамгин чертар дутор,
О, руҳимга хамоҳанг нақ.
У ким?
Балки сенсан, дилдор...

3

Китоб титкилайман, топмайман овунч,
Вақт юрмайди,
Қуёш ботмас.
Ботинимда кимдир қолдирган қора из
Ҳеч ўчмас,
Тонг отмас.

4

Ҳамма уйда.
Ўз ўйларига сиғмай қолган мушуклар
Кўча-қўй деган мамлакатга олиб кетди бош.

* * *

Мен ухлаб ётсам,
ёнимга келди
Чарчаган одам,
Тўшагим узра
отди синган дарахтдек жасадин.
Эй воҳ,
Уйқудан уйғонсам,
Мен-ла уйғонди у...
Ё фалак, у ким?
Балки, мен,
балки...

* * *

Қаршимда уч дарахт солланар,
бирин япроқлари сарғайган,
сомонзор.

Бири ёзги осмондек кўм-кўк,
биридан қон сирқирар беадад.
Шохида ўйнайди бурни қон
Болалигим.

* * *

Мен сени йўқотдим, ишончим, дўстим,
 Кўксимда борсан-ку, бироқ сен йўқсан.
 Энтикиб атрофга қарайман бир зум,
 Гўёки отилган, ситилган ўқсан.

Бу олам бўм-бўшдир, тўрт тараф яйдоқ,
 Хувиллоқ кенгликка тикиламан жим.
 Ичимда кезинар бетиним, уйғоқ,
 Дунёга сиғмаган дилгир Ишончим.

Қайга кетиб қолдинг?

* * *

Ўз йўлимдан бораман танҳо,
Манзилим ҳам кўринар элас.
Йироқлардан унсиз бир садо
Чақиради,
Ундар ҳар нафас.

Ўз йўлимдан бораман маъюс,
Таъқиб этар ярадор кучук.
У ортимдан келар изма-из,
Билмам, кучук эргашар нечук?

Ўз йўлимдан бораман маъюс,
Теварақда одам йўқ, жимжит.
Акиллаган кучук узмас кўз,
Юрагимни қуршаган сукут.

Ўз йўлимдан бораман, ёҳу,
Ва ўзимга бераман таскин.
Оқсоқ кучук, менга ҳамроҳ у,
Задаланган дил қувнар, лекин...

Ўз йўлимдан бораман танҳо.

* * *

Кун кечаётир,
Тун кечаётир
Ёмғир остида...
Эртам қандоқ кечур?
Балки, шамол,
Балки, қуёш кулур.
Не бўлса,
Не бўлса – Худодан бари...

КҮНГИЛ ИЗТИРОБЛАРИ

I

Умид ойналари синди чил-чил,
энди тун йўқ,
энди кун йўқ.
Энди бу ёғи –
мен билмаган Дунё.

II

Эй воҳ, мени тушунмади ҳеч ким,
англамади ҳеч ким руҳимни.
Энди ўзинг тингла, Худо, оҳимни.

III

Ҳамма юраётган йўл,
наҳот,
Менга тор келса, Оллоҳим?!

IV

Бу оқшом узун
 ва маҳзун кечмоқда, севгилим.
 Балки, ҳозир сайраб юборар шодлигим
 қуши.

V

Сен бахтли бўлишинг муқаррар,
 ана, кўзларингда отмоқда оппоқ тонг.
 Мен эса...

VI

Ғалати кечмоқда умрим ҳам,
 Кўзларимда тунлар оппоқ либосда.
 Кундузим эгнида қора ридодир.

VII

Ҳовлида танҳоман,
 Танҳодир осмон.
 Сен ҳам танҳосан, севгилим.

VIII

Ичимда сўз қолмади ҳеч,
 барчасини дунё узра сочдим-ку!
 Энди менда нима қолди, во ажаб?!

* * *

1

У ким?

Билмадим.

Кўзлари дарёдек оқаётир унинг.

2

Мен сенга интилдим шамоллар оғушида,

Чақмоқ шуъласида топиб йўл.

Мана, остонангда турибман, севгилим.

* * *

Мен шеър ёзмокдаман,
балки ҳеч ким ўқимас уни,
ҳатто ўқимайсан сен ҳам, Севгилим.
Сенга аталгани учун
мен ўзим ўқийман шеъримни – титраб, энтикиб!

* * *

Сени унутмасман, севгилим,
унутилмас болалик каби
туну кун ўйлайман сени жим,
исмингни пичирлар, о, лабим.

Сен қайдасан, қўлим чўзаман,
ҳавода муаллақ қўлларим.
Шамолдан, бўрондан ўзаман,
осмонга бўй берар йўлларим.

Мана, ой қўлимда қимтинар,
юлдузларни солдим қўйнимга.
Қуёш ҳам мен сари интилар,
оқ нурун чирмадим бўйнимга.

Сени унутмасман, севгилим,
бу ширин, бу аччиқ дунёда.
Ишқ — ўтда ёнмас биздек ҳеч ким
ва сени севолмас мендан зиёда.

Сени унутмасман, севгилим...

* * *

Қаноти қайрилган қушча мисоли
 синиқдир овозинг – ғамгинсан ғоят.
 Нечун энди кулмас чўлпон кўзларинг
 ёхуд тарк этганми сени саодат?

Қувноқ давраларда шўхчан юрмайсан,
 ёлғизлик чўлида кезасан маяус.
 Наҳот, энди, наҳот, бир бор кулмайсан,
 эй менинг қаршимда синиққан юлдуз?!

Деразанг кўзига урилар ёмғир,
 ташқарида кезар яланғоч совуқ.
 Хонанг ҳам совийди, жунжикиб охир
 кўрпага бурканиб Сен тортасан «ух».

Топталган оппоқ гул кирар тушинга,
 юрагингни эзиб ўтади сезги.
 Энди келолмассан тамом ҳушинга,
 Сен, ахир, адашган, хўрланган – севги.

1992 – 2019

* * *

Рутубат чулғаган хонадан чиқаман ўкириб,
Сочларин шамоллар тўзғитган аёл суратин
Ёнаётган бағримга босиб телбадек.
Эҳ, куйиб кетмаса эди
Кўксимда юзтубан йиғлаётган Аёл.

КУЗГИ КУНЛАР

Ҳовлида ёлғизман,
Атроф дарахтзор,
Куз каби қўнглим ҳам мотамзор, ғамгин.
Интиқман муҳаббат дийдорига, зор
Дилни недир тирнар ўқтин ва ўқтин.

Умр ҳам ўтаётир бедоврук, беиз,
Узилган мезондек узилар кунлар.
Кеча шовуллаган япроқлар маъюс,
Қировли тупроққа беланар улар.

Осмонда овози чўзиқ турналар,
Яна кўраманми уларни такрор?
Кузги кунлар турфа рангга чулғанар,
Менинг эртам, балки, ёмғир, балки, қор...

* * *

Куз офтоби тафти ёқимли
Вужудинг жунжикиб турганда,
Яқинлашиб келаётган қиш,
Қора совуқ
Рухият дунёсига кетгудек тўқнашиб.
Севгилинг хушбўй нафасин ўтирсанг туюб,
Уzun қора сочлари юзинг,
кўзларинг,
димоғингга
Севги ифори куз ёғдуларидек турса таралиб.

Куз Қуёши Муҳаббатга ўхшамайди, а?

* * *

Кеч куз дамларида учратдим уни,
Чайнарди шамоллар сочларин бетин.
Пойида япроқлар
Ингранар маҳзун,
Бошида булутлар кезинар вазмин.
Ана,
Ёмғир ёғур,
Кийим-боши нам,
Киприк,
Яноғидан томчилар томар.
Мен унга қўлимни чўзаман бир дам,
У бўлса
Шамол-ла
Қайгадир қочар.

* * *

Жимирлайди бепоён осмон,
Юлдузларнинг кўзлари хира.
Дарахтларда изғир зим-зиё бўрон.
Ой ҳайқирар овози нолон.

Куз оқшоми тентидим далли.

* * *

Сўнгсиз осмон узра нигоҳим
Қушлар каби учиб боряпти.
Билмам, ахир, недир гуноҳим?
Жисмим бетин ерга ботяпти.

Сўнгсиз осмон узра нигоҳим.

ҚИШ ЁМФИРИ

Ҳалима Аҳмедовага

1

Кеч уйғондим.
Ташқарида шивалаб ёғяпти ёмғир,
Эҳтимол, тун бўйи ёққандир.
Соч толаларидай сокин ёғаётган ёмғир узоқ чўзилгай.
Не тонг, қиш ёмғири ёғмас шиддат-ла,
Овози томларни ноғора қилмас.
Сўнаётган чўққа ўхшайди қиш ёмғири.
Ёмғирнинг шу кўйи ёғиши
Эзилиб йиғлаётган аёлни эслатди
менга.

Зотан,
Йиғлаётган аёл юракни ўртайди,
Вужудимга ларза солгай момақалдиروقдек.
Зеро,

Аёл ўхшайди йиғлаётган маҳал осмонга,
 Рангин туйғулар кечди қўнглимдан.
 Осмон кўз ёш тўқаяпти,
 Йўқ,
 Аёл йиғлаяпти, сочлари тўзғоқ.

2

Қиш. Тонг ила оқшом оралиғи бир қарич гўё.
 Кўз очсанг, тонг.
 Кўз юсанг, шом – қоронғулик.
 Осмон тўла юлдузлар хира. Ой эса сўниқ.
 Туялардек булутлар кетаётир қайгадир,
 билмасман.

Билмас, балки, ўзлари ҳам,
 Балки, умрлари топмоқда барҳам.
 Илло,
 Қиш ёмғири гоҳ,
 Гоҳида қор тўзғоғи.
 Гоҳида қулоғимга чалинар кимнингдир
 ингроғи...

Қуёш гоҳ сочар нур.
 Гоҳ кунлар илиқ.
 Йўллар эса силлиқ.
 Гоҳи шамол, бўрон, дарахтлар синар,
 Гоҳ сукунат – шовқин тинар...
 Қиш инсон умрига ўхшар нақадар.
 Бир қарасанг – юпун болалик.
 Бир қарасанг – қиличдек йигит.
 Бир қарасанг – донишманд ота.
 Бир қарасанг – набиралар шод,
 Улар шабададек тегрангда кезар.
 Бир қарасанг – сочларига қор ёққан кексалик
 Кетиб бораётир «атак-чечак»,
 Мен унга кўзларим нурин тўшайман қўрқиб...

Қиш. Тонг ила оқшом оралиғи бир қарич гўё.

* * *

Тун кечмоқда сукунат ила,
Дарахтлар қилт этмас, уйқуда.
Мен ёлғизман кўнглим билан,
Рухим чўмган ажиб туйғуга.

Қиш кечаси бунчалар маҳзун,
Сени кимдир тингласа уйғоқ,
Ҳасратларинг чўзилса узун,
Кўнглинг қушга айланса шу чоқ.

БИРИНЧИ ҚОР

Биринчи қор ёғяпти, ажаб,
 Рух осмонин босур ҳаяжон.
 Туйғуларим юрагимга жо,
 Бунча сирли,
 Гўзалдир осмон.

Биринчи қор ёғяпти,
 Гўё
 Қоғоз узра тўкилмоқда шеър.
 Ажиб куйга чулғанар дунё,
 Уни сокин тинглар она Ер.

* * *

Қор ёғпти, шовуллаар олам,
Шовуллайди менинг юрагим.
Теваракка қарайман бир дам,
Қор қўйнида кезар аллаким.

Балки, у сен, кўнглим эркаси,
Йўлларингга севгим пойандоз.
Кел, руҳимда муҳаббат саси,
Қонда жўшар қайноқ эҳтирос.

Гулхан ёнар, қор оғушида
Тўзғиб кетар севгим бус-бутун.
Ай, ёлғизим, эсу ҳушимда
Фақат ўзинг яшайсан тўлғин.

* * *

Мен унинг ёнига бормоқчи бўлдим шу тоб,
Қарасам, қор ёғаяпти,
ажиб қор.
Узоқ тикилдим унга
Гўё энди кўраётгандек.
Во ажабо, топиб олгандек бўлдим оппоқ Қоргулимни.
Дарвоқе, илк бор қор ёғаётган кезде учрашган эдик.
У совуқдан жунжикарди.
Ич-ичидан қалтирарди.
Уни мен қор оғушида қучдим.
Эркаладим узоқ.
Совуқ қотган лаблари.
Вужуд-вужудига олов ёқдим сўнгсиз.
Ташқарида қор ёғаяпти.
Ажаб қор.
У эса менинг ёнимда эмас.

Қор ёғаяпти...

ЁЛФИЗ КУНЛАР

1

Олам аро кезади руҳим,
Кўчаларга қўнган сукунат.
Фақат уйда топамиз қўним,
Эҳ, уйимиз ватандир — жаннат.

Дунё бўйлаб жанг борар ёвкур,
Ҳар қадамда офат ҳукмрон.
О, бу қандай кулфат, қандай сир?
Юрагимда шамол ва сурон.

Тонгдек ёруғ Сўз дилга малҳам,
Уйда қолган кунимиз нажот.
Шаффоф кунни кутамиз ҳар дам,
Бедор қалбда самовий ижод.

Олам аро кезади руҳим...

2

Кун кечмоқда уйда маъюс, шод,
Гоҳи дўстлар дийдорин қўмсаб.
Етаклайди узун хаёлот
Ва маҳзун тор чертади асаб.

Кун кечмоқда уйда – маъюс, шод,
Давраларга кираман жўшқин.
Юрагимда шеър, илҳом кушод,
Руҳим ичра денгиздек тўлқин.

Кун кечмоқда ўйда – маяус, шод,
 Қўним билмас хаёл тулпори.
 Ҳеч кимсадан сўрамай имдод,
 Тарқатаман қўнглим ғуборин.

Ўйда қолган ёлғиз кунларим.

3

Анвар Обиджон вафотига

Куни бўйи тинмади ёмғир,
 Осмон қўнглин бўшатди бетин.
 Эсиб турди шабада гир-гир,
 Намчил ҳаво, қўпчиди замин.

Юрагимда оғир хўрсиниш,
 Ёмғир қорга айланар секин.
 Гарчи баҳор, бошимизда қиш,
 Дарахтларга қор қўнар тўзғин.

Улкан дарахт, меваси шиғил,
 Ағанади узиб илдизин.
 Фарёд чекди синиққан қўнғил,
 Кўзларимга дард чўкди маҳзун.

Бу ҳавога ўхшамасди у...

4

Осмонларда булут карвони
 Дарёдаги кемадек сузар.
 Шамол унинг ўжар сарбони,
 У гоҳ карвон сафини бузар.

Қайга бошлар, тўзғитар қайга?
Булут эрки шамол қўлида.
Тиз чўктириб осмон пойига,
Етаклайди ўзин йўлида.

Азобларга беролмай бардош,
Лойга ботди булут исмати.
Узун тўқди тўр каби кўз ёш,
Бунча аччиқ булут қисмати!..

Ўз-ўзимга бераман савол...

5

Кунларим кечмоқда синиққан, хомуш,
Тумтайган осмон ҳам кўнглимни эзар.
Қулоғимда овозлар учади нохуш,
Рухим боғларида шамоллар эсар.

Олтин қафасдаги қушдурман, тутқун,
Қанотим бор, бироқ энди учмасман.
Бу кун дунё узра кезадур бузғун,
Рангин кенгликларни бир дам қучмасман.

Ахир, уйим ватан парчаси эрур,
Кўкармоқда адл дарахтлар дуркун.
Осмонимда кўёш нур сочар масрур,
Беҳудага кўз ёш тўкмоқлик нечун?!.

Синиққан юракка бераман таскин!

* * *

Мен бугун шодман нақадар,
 Қоғозга томчилар шодлигим.
 Севгилим, уни сен англайсан фақат.

* * *

Эй умид,
 Кўчангдан ўтаман ҳар кун.
 Наҳот мени кўрмайсан?

* * *

Сенинг маъюс табассуминг
 кўланкасида
 Узоқ ўлтирдим танҳолик аро.

* * *

Тун ярмидан оған. Ташқари жимжит,
Оқарган сочлардек осмон оқ-оппоқ.
Қайдасан севгилим, қалбимни эшит,
Қўшиқ туғилмоқда мунгли ва ингроқ.

Бу қандоқ қўшиқдир, билмасман асло,
Тинглайман-ку, бироқ англамасман ҳеч.
Тобора руҳим ҳам эзилур, аммо
Умрим боғлари-да қандоқ эрта-кеч.

Шамоллар эсмоқда, совқотар вужуд,
Кеча қораймоқда, зулмат бус-бутун.
Бағрига яширган сени қай ҳудуд?
Топмасам бўлмайди, гўзалим, бу тун.

Тун ярмидан оған. Ташқари жимжит...

* * *

Энг қайғули шодлик.
Федерико Гарсия Лорка

Маъюс шодлик ўртайди мени,
Ўтмишларга етаклар хаёл,
Сен-чи,
Танҳо ўйлайсан нени,
Эй мен севиб, севмаган аёл?

Сен паризод эдинг,
Узун соч,
Кўзларингда қуёшли кундуз.
Кипригинга қўнган қалдирғоч
Сайрар эди энтикиб маъюс.

Севгим,
Бир кун отдинг гирдобга,
Бошимда гир айланди ўлим.
Орзуларим чўкди саробга,
Наҳот, сўлди беқиёс гулим?..

Ишқ ўтида ўлиб,
Ўйғониб,
Кўзларимни очдим, мен тирик.
Тўрт тарафга боқдим оғриниб,
Кўз тикардинг мунгли ва ўксик.

Ўша олис ҳижрон қаъридан
Юзиб чиқдинг,
Эй тирик севгим!
Қўлинг тутдим – соғинч баридан,
Шодлик сари одимладик жим.

* * *

Сен ҳам бир дунёсан уфқлари олис...
Данос Каубатис

Мен сенинг кўйингда йўловчи, танҳо,
Наҳотки, адашдим,
Адашди юрак?
Йўлимни ёритгил, йўл бер, илоҳа,
Ойу юлдузларинг ёққил, эй фалак.

Қиш туни чўзилди саҳродек узун,
Қор ёғди,
Йўлларим муздир, сирпанчиқ.
Овозимни юлган шамоллар маҳзун,
Дунё кўз ёш тўкар ҳолимга аччиқ.

Йўлимда бўрилар галаси ҳар ён,
Увлайди,
Улийди, кўзлари ёниқ.
Юрагимда урчир ададсиз исён,
Мағрур овозимда бир куч бор инжиқ.

Йўл юраман,
Йўлим ҳолдан тоймоқда,
Кўз ўнгимда адо бўлмоқда тун ҳам.
Осмон-чи, ёришиб, кун уйғонмоқда,
Яшарар қалбимда муҳаббат бир дам.

* * *

Ҳавода изғийди аччиқ изғирин,
Дарахтлар шохида биллур булдурук,
Уватда саман от кўз тикар ҳорғин,
Йўл узра арава қийшайган, бузук.

Атрофга қарайман, бенаво, саркаш,
Ҳавони босмоқда шиддат-ла туман.
Кўзларимда парда, кўнглим бўлар ғаш,
Ойу юлдузларни яширган осмон.

Ловуллаб ёнади дардкаш юрагим,
Ёниб тутаётир изғирин бесар.
Товуш чиқараман, эшитмас ҳеч ким,
Баногоҳ теграмда шамоллар эсар.

Туманлар кетади шамол йўлидан,
Тўрт тараф ёришар, ҳукмрон кундуз.
Дадил тутаман-да отнинг ёлидан,
Қошинга еламан соғинч-ла, юлдуз.

* * *

Ажабтовур оҳанг.
Қош қораймоқда.
Булутлар оқади бошим устида.
Нечун улкан дунё, ох, тораймоқда?
Бир шивир эсади тупроқ пўстида.

Ой парда ортида,
Бужмайган кампир,
Совқотган булутлар лашкари тўзғоқ.
Дарахтлар шохлари этмайди қимир,
Менинг-чи, кўзларим, вужудим уйғоқ.

Чопаётган поезд овози бир дам
Қулоғимга инар узоқ-яқиндан.
Ким ерни ингратиб босадир қадам?
Айвонда мусича.
Битмайди ини.

Узоқ-узоқларда итлар хуради,
Бунча кеча нотинч?
Бир олағовур.
Юрагим соатдек бир хил уради,
Руҳим оламида ажаб тасаввур!

ЁЛҒИЗ

Унинг аёли ойдек,
 Юлдуздек қизлари теграсида,
 У ёлғиз
 Ва ёлғиз йўл юрар,
 Хаёлида излайди ўзин.
 Қўшиқлар куйлар бир ўзи,
 Олис-олисларга сочилгай сўзи.
 Ҳеч ким тингламайди уни.
 Ҳеч ким англамайди уни
 Ёлғиз ютиб борар маҳзун тунларни.
 Гоҳ-гоҳ ой пойида йиғлайди,
 Юрагини пичоқсиз тиглайди.
 Қизиқ,
 Кундуз оломон орасида,
 Бироқ у ёлғиз.
 Бепоён дунёда Ёлғизликдан-да у ёлғиз.
 Ишонаман,
 Олис келажак
 Унинг маъюс қўшиғин тинглайди,
 Англайди ҳали.
 Бошига кўтарар даст
 қуёшдан-да,
 ойдан-да юксак
 муҳаббатга қурбон ишқ қиссаларин.

* * *

Тонг саҳар
уйқудан кўз очсам
ажаб
илмоқдаги оқ кўйлагим
ҳилпиратиб енгларин кетиб бормоқда
қаёққа кетмоқда
наҳот у
оқбилак шамолга овунчоқ

* * *

Ваҳима солади аёл руҳига,
Саратоннинг оқ ва сариқ
сароб кундузи

* * *

Қалдирғочлар қанотида узанар олис йўл

* * *

Сукунатзор оралаб бормоқдаман жим

ХЛЕБНИКОВ

Азамат рус шоири, эй Хлебников,
 Шамоллар булутни қўйнига тортгандек,
 Сени етаклади Россия кенгликлари.
 Сен халқ изтиробин ичдинг шаробдек,
 Ёниқ сатрларинг юпун юракларга жо.
 Сени хуш кўрмади замон киборлари,
 Улар тепкилади от каби аянч-ла.
 Зотан,
 Қачон шоирга эрк берган подшоҳлар?..
 Баланд-паст йўлларда,
 Қамишзор қўлларда,
 Ёнаётган қуёш тигида
 Гоҳ пиёда,
 Гоҳ отда йўл юрдинг оч-наҳор.
 Сениққан ўрмонларни кездинг далли-девона,
 Дарахтлар япроғин томирларида қон йўқ, қовжирок...
 Оқ, ҳарир қўйлақда қайинлар ингрок...
 Рутубат чулғаган кўланказор аро
 Оқшомни симирдинг ёлғизлик кучоғида.
 О, неча бор «Чека» сени сўроқлади тоғлар пойида,
 Йўл бўйлаб илонлар тухумин этдинг тановул.
 Ҳамроҳ тулпор,
 Қалбингда довул,
 Йўл юрдинг сен шеърият йўлидек оғир.
 О, узанган йўл бошлар Боку сари,
 Ибодатхона ўт-ғиёҳлари узатди бармоқларин.
 Ёввойи узумзор новдаларин уздинг шиддат-ла.
 Сен юрган овлоқзор,

Жарликларда ҳайқирган майсалар,
Кипригинга инган маъбудлар чечаги
Рангин шеърият қучоғига кирди бешикаст.
Улкан дарахт ўзга дарахт қонин сўрганда
Гуллар қирмиз рангга бўялган, чоғи,
Ҳали очилмасдан Ахматовалар гуноҳи
Алвидо айтдинг сен, «Алвидо!»
Тун маъбудлари,
Сут иси анқиган қишлоққа
Ва пода сигирлар қора булутдек кўринган дам
Алвидо айтдинг сен, «Алвидо!»
Ғамгин кўзли аёл – хонимлар
Ва барча-барчага
Алвидо айтдинг сен, «Алвидо!»
Эй Хлебников, далли-демона шоир,
Қизиқ, шеър ёзаётсам сенинг шаънинга,
Кенгликларга олиб кетгим келди бош,
Кенгликларга!

ТАРЖИМА ДАФТАРИДАН

*Замон гирдобида қамишлар
кўлнинг соҳилида шовуллар!*



ВЕЛИМИР ХЛЕБНИКОВ

Россия

Велимир (Виктор) Владимирович Хлебников 1885 йилда Россия империясининг Астрахан губерниясида табиатшунос олим оиласида таваллуд топган. Қозон, Петербург университетларида ўқиган, битирмаган. Футуристлар оқимиغا мансуб. 1908 йилда биринчи тўплами босилган, 1916 йилда Биринчи жаҳон урушида оддий аскарлик азобларини тортган, Шимолий Эронда доғистонлик генерал Баротов армиясида хизмат қилган. Рус шеърлятини янгилаган, Қадимги Шарқ иероглифлари руҳига қайтарган. Маяковский шоирга «Янги поэзия материги Колумби» дея юксак таъриф берган. 1922 йилда 38 ёшида оғир касалликдан вафот этган.

«Шоирлар шоири» ёки шоири замон Велимир Хлебников табиатни ва ҳаётни кескин ҳис этиши замонасига боғлиқ эди. Чинакам шоир мифологик жиҳатдан янги сўзлар ва тушунчалар кашф этди, қандай ўлишигача айта олди. Коммунизм ҳалокатини башорат қилди. Авлиёсифат шоир рус шеърляти барча вакилларига катта таъсир ўтказган. Ассурия ёки араб шоирларига ўхшаб битта ўзакдан янги сўзлар, тушунчалар яратган Велимир Хлебников мероси XX аср жаҳон шеърляти олтин фондига кирган.

ЙИЛЛАР, ОДАМЛАР ВА ЭЛЛАР

Йиллар, одамлар ва эллар
Ўтиб кетар бир йўла
Сув оқими каби.

Мослашувчан табиат кўзгусида
Юлдузлар осма тўр, биз эса балиқлар,
Илоҳ – қоронғулик, илоҳий шарпалар!

ОСИЁ

Мудом чўри қиз,
Шоҳлар ватанидан кўкси баландроқ.
Қиймоч кўзларида мангу бир оғриқ,
Қулоқлар ўрнида давлат муҳри гўёки сирға.
Баъзан сен ҳомила кўрмаган Қиз,
Қўлида қилич.
Баъзида энага,
Гоҳ доя Кампир — исёнкор
Ўша китобнинг бетларин варақлайсан сен.
«Имзо» — денгизлар қўлининг залворли босими изи.
Тунлари одамлар сиёҳ билан қилади жилва.
Эътирознинг ғазабкор белгиси
Шоҳларнинг тун бўйи отилиши эди.
«Вергул» бўлиб хизмат қилди жангчилар ғалабаси,
Дала бўлиб қутуришдек кўрқинч билмас «Кўп нуқталар».
Халқ ғазабкор кўринур,
Юз йиллар чатнаши «Қавс» каби мўътабар.

* * *

Майнавознинг хира куз тунукасин
Тераклар шохлари савалаган жойда,
Осмоннинг залвори йтиб бир зумга,
Сизни табассум қилишга ундаган жойда,
Ғалла янчилаётган хирмон остида
Текис ер гувиллаган жойда,
Киримни ҳисоблаш учун Мордвинов
Ишончли ҳисобдонлар ваъзини тинглаб,
Афсус, севгидан бахтсиз рақибни
Омадсиз меҳмон товонлари билан тепкилаган жойда,
Уларни ҳам, буларни ҳам
Олтингургурт ёруғлиги бекинмачоғи
Қутқазган жойда,
Ҳаёт ибтидоси Янус маъбуди ҳимояси остида
Қуркалар, товуқлар, ғозлар яшаётган жойда,
Сиз табиат – холангиз ғамхўрлиги остида
Шу ерда сокин нигоҳ-ла гулламоқдасиз!

ОЧЛИК

Буланлар ва Қуёнлар ўрмон бўйлаб юришар сакраб,
Олис-олисларга, чекка-чеккаларга паналаб, нечүк?
Одамлар еб қўйишди Осина пўстлоғин, поясин,
Қарағайларнинг яшил новдаларин ҳам.
Хотинлар ва болалар ўрмон аро изгишар,
Қарағайнинг тепа баргларин теришар
Карам шўрва учун,
Айрон учун,
Окрошка учун,
Қарағайлар учи,
Кумушранг мохлар гўё пўпанакларни,
Ўрмон емиши.
Болалар,
Ўрмон жосуслари
Қоялардаги дарахтзорлар бўйлаб дайдишар.
Оқ чувалчангларни қовуришар гулханда
Қуён карами, хўппа семиз қуртларни.
Ёхуд ўрмон ўргимчаклари

Ёнфоқдан тотлироқ экан.
 Кўрсичқонларни, овлашар кулранг калтакесакларни,
 Вишиллаган илонларни камонда отишар.
 Шўрадан ширин кулча ёпишар.
 Очликдан югуришар парвоналар изидан.
 Бир қопини йиғдилар.
 Бугун капалак шўрва бўлади,
 Оналари туширади паққос.
 Ўрмон бўйлаб жозиб сакрашлар ила
 Диконг-диконг югураётган Қуёнга
 Гўё тушдагидек
 Ёруғ олам кўриниши, тушларидаги афсунлардек
 Катта-катта очиқ кўзлар ила
 Қарашар ҳайрат-ла,
 Очликдан илоҳий авлиёлардай
 Ишонмаслар Ҳақиқатга ҳеч.
 Бироқ у шўх шарпадек қолади қочиб,
 Қулоқ учи қорайиб.
 Ортидан учади камон ўқлари.
 Аммо кеч,
 Тўйимли тушлик қочиб кетди-я!
 Болалар сеҳр-ла сўррайиб туришар:
 «Қара-чи, капалак, анитдан ўтди учиб!
 Югур, тута қол! Ҳув, анув ерда кўм-кўк!»
 Ўрмонда зимистон.
 Олислардан югуриб келди Бўри.
 Ўтган йили қўзичоқни ямлаган жойда
 Изғиб юрди узоқ.
 Чор атрофни хидлаб, искаб бўй олди,
 Бироқ ҳеч вақо қолмаган
 Чумолилар дастидан
 Қуриган туёқдан ўзгаси.
 Хафа бўлди Бўри.
 Бўртиган қовурғаларини қисганча
 Кетди ўрмон ортига у.
 Қизил қошли Қурлар,
 Оқ сочли Қурқурлар
 Қор тагида ухлаб ётгучи

Оғир панжаларинг ила боссанг гар,
Қор зарралари ила кўмилсанг...
Тулкивой момиқ, оловранг
Ётиб олди тўнка тепасида.
Бир бурда бўлиб олди гўё Ҳалқоблар узра.
Келажак ҳақида у сурди хаёл.
Балки, ит бўволиб,
Одамларга хизмат қилсаммикан?
Тўр ташлаб қўйилган анча –
Истаганингча етиб ол!
Йўқ, хатарли юмуш!
Эҳ, Малла тулкини
Итларни ютгандек еб ташлайдилар!
Ҳурмай қўйди қишлоқда итлар...
Тулки елкандек баланд кўтариб қўйруғин
Юмшоқ панжалари ила чўмила бошлади,
Вайсаганча Олмаҳон деди:
«Қани, қайда қолди ёнғоқларим?
Чўққа ёнғоқларим қани?
Ямлаб ютди одамлар».
Сокин, тиниқ қўнмоқда оқшом,
Қайин билан Жўка шивирлаб секин
Муччилашди, бир-бирини ачомлаб.
Балки, нонуштага каллаклар шар уларни эртага!

* * *

Совуқ музли ирмоқлардан
 Ҳатлаб юрар эдим дарғазаб мулла сингари,
 Қай жой яхши бўлса.
 Қирқ чақирим нарига «Чека» мени чақирди сўроққа.
 Учради йўлимда эшаклар.
 Отлик мени чорлади ўзига.
 Беш чақирим йўл юрдик.
 «Е!» – отлик ушатар олтин мисоли нон.
 Ҳўл пишлоғу мовий ранг шароб мўйқаламин узатди:
 Кўк илонлар тухумларин олдим инидан,
 Фақат онам эмас ёнимда.
 Елдирдик отларни, йўл-йўлакай
 Осмон инъомларин қилганча тановул.
 Отлар биқини туртинар эгар айллари ила.
 Табассум жилваси ўртоғим лабларида яна:
 «Есанг-чи, оғайни!» – йўл-йўлакай
 Чўзилар мўйқалам тутган қўлга денгиз кўзлари.
 Иккимиз от елдириб борардик Тоғлар пойидаги терговга.
 Буқаларнинг қуруқ сути оғзимда қисирлар.
 Мешлардаги тоза шароб, олтинранг ун ҳам мўл,
 Нақ ёнимда қалин ўрмон,
 Қадимий Дарахтлар бошдан-оёқ итоатсиз
 пўпанакка ўралган.
 Тўнғиз ўқдай отилиб ўрмонни тешиб ўтсин, э!
 Гулханлардан қолган қора доғлар,
 Оқариб кўринар кул, суюқлар уюми.
 Минг кўйли сурув ёпирилиб келар Тўфон мисоли.

Чўпон бошчилигида қаршимиздан чиқиб келмоқда
Барҳаёт денгиз қора долғалари мисоли.
Қора камар дарада бирдан зимистон бошланар,
Қорайиб кўринар дарё ҳам ёнбошда.
Минг-минглаб тошлар узра сирпанар яшил кашта ҳам.
Шом тушди бирдан, камдан-кам томчилар тўри
Чирмаб олди дарҳол бизларни.
Ўша ўр, бадқовоқ дара,
Ўзга бир Китобхон тош китобига эврилди туйқус.
Ўзга оламларнинг кўзлари ҳижжалагулик.
Овулда сочилиб ётган кулбалар
Тушунарсиз алифбонинг ҳарфлари гўё.
Осмонга Қизил тош ўрлаб борадир
Ярим чақирим қад ростлаган кимдир
Ўқийётган китоб мисоли.
Қайдадир, шундоқ ёнимда шарпадек кезса ҳам,
Китобхоннинг ўзини Осмонда кўрмадим лекин.
Балки, Қабила сардори салласидир бошида.
Хизмат бурчин адо этганча Дарё шовуллар пастда.
Кўкка бўй чўзишар дарахтлар якка
Тош қотган янгиликлар ўқдай сатрлари
Бўлиб осилиб қолгандек секин.
Бир кундан кейин «Чека» чақирди кераксиз терговга.
Боқуга поездда жўнаб кетдим мен.
Тирмашиб мен чиққан қоялар,
Овлоқларда ҳайқирар дарё
Тасодифий бўшлиқ қанорларида,
Олақоронғу осмонга хизмат жойларда
Ибодатхоналар гиёҳлари,
Амаллар ва издиҳомни таниб қолардим.
Ёввойи ўзум бутоғин ўзгандим шунда.
Қўлларим бутунлай тилинди, тирналди, қонади.
Кимнинг қичқириви?
Нозик ва сирли муҳаббат тавсифимикан ё?
Тош газеталар узра қўлларнинг бармоқларидай
Оқариб кўринар булутлар
Нечанчидир юз йилликлар сари сузганда.
Мен ҳам жўнаб кетдим.

Ўрлаганим овлоқ жарликларда қуп-қурук
 ўзаннинг қанорларида
Гиёҳлар ибодатхонаси беркиниб олган.
Боғдаги қари нок новдаларида Малаклар чечаги,
Ям-яшил Омела ўз шаҳрини бунёд айламиш.
Улкан дарахт бошқа дарахтлар қадимий қонин азоблар.
Гуллар қирмизи.
Алвидо барча-барчангизга!
Алвидо, кеча-оқшом, Тун малаклари, Оқбош чўпонлар,
Қишлоққа ҳайдаб келишарди Олтин мўйна сурувларини.
Сигирлар бўкириб чопар, сут иси юксалар
 дарахтдек кўкка,
Булутларга етиб боргудек.
Алвидо, қора киприклар панжарасига
Яшириниб олган Буқаларнинг қора-мовий кўзлари!
Оналик ёғдулари одамлар ва бузоқларга
 шаррос ёғилар.

Алвидо, тун зулмати,
Пода ва сигирлар
Битта қора булут бўлиб кўринган дамлар.
Ҳар оқшом қўлларим билан
Ўткир шохларига нуқирдим нуқул,
Бошларида кўза,
Гамгин кўзли аёллар, хонимлар
Қадами оҳиста, вазмин, оҳиста!

ЭРКИНЛИК

Озодлик ортидан барча ўшаққа!
Эх, одамлар оққуш қаноти-ла
Меҳнат байроғини олиб ўтарлар,
Озодлик нигоҳи оташи куйдирар,
Аланга, таққослаганда, изғирин,
Майли, Заминда Изланган тимсол!
Янгиларини ёзгай бир қуни Очлик,
Ўтли қўшиқларга борамиз бирга,
Қани, эрк, озодлик сари олға!
Гар ўлсак, тирилгаймиз тагин, албат!
Барча сўнгра жонланар,
Ажиб бир йўл томон хушхол
Одим отамиз дадил.
Гар илоҳлар бўлса занжирбанд,
Эрк берамиз уларга ҳам шаън: Озодсан, илоҳ!

* * *

Оқшом.
Рутубат кўланказори.
Пичан ғарами.
Эринчоқлик. Роҳат.
Ўлтирардик оқшомни симириб.
Ҳар бир кўзда Буғу юғуриги,
Ҳар нигоҳда Найза учиши, ниҳоят.
Уфқда кун ботар маҳал,
Қаҳқашон ғазаби қийнаганда
Дўкандан отилиб чиқди бир ўғлон.
«Жазирама» ҳайқириғи бўлганда йўлдош,
Мен унинг Сўзидан ҳам анча сўлроқда эдим,
Ўнгига сал яқинроқ, тургандим кўлдош.

* * *

Замон гирдобида қамишлар
Кўлнинг соҳилида шовуллар!
Вақт эса тош қотгандек,
Улар тош бўлиб ловуллар!

Кўл қирғоқлари сўлим-сўлимдир,
Вақтинчалик ҳатто қамишзор.
Кўл бўйида кайҳоний оҳанг,
Илоҳий шовқинзор, илоҳий бозор!

АЛФЁРОВА

Йўқ эмасди доврўкли кўмондонлар ҳам,
 Ўлаётиб улар «бахтиёрман» деган.
 Кўҳна новгородлик авлоди ҳар дам
 Мағрур зотлар ичра ёниб кул бўлган.

Оппок, ёлдор пахмоқ тулпор устида
 У Польшада қиролни енгди, эҳ, булар!
 Галабалар-чи, маккора, айёр,
 Эски севиклилар устидан кулар!

Ўтирарди қари жўка тагида у,
 Галаба қозонган Измаил қалъасида, ғолиб.
 Қоғозлар уюми буйруқлари узра энгашган
 Ўлаётиб шивирлар: «Биз енгдик! Ўзгалар қолиб!»

Тоғам от чоптирган жар тепасида
 О. Гунибни руслар олишганида, ҳа.
 Аварлар қиличи яралади, қон силқиди
 Дарё, ҳалок бўлди дангал ўшанда.

Баъзида девоналар, баъзида тимқора
 Тақаларнинг гулдурос жаранги остида
 Олиб кетардилар чавандозларни
 Дунай қирғоқлари бўйлаб оҳиста.

Отхоналар туёқларнинг одимларига
 Тўладир боболар юрти, рус салтанати.

Экилганди зафар юришларига
Ёру дўстлари ила шараф ҳам оти.

У Шарқда хизмат қилганди шаррос,
Эгилмай ҳалокатли ўқдан, машхур.
Ўз юрагига қўлин қўйганди,
Ўлаётиб душманга ҳам деди: «Ташаккур!»

Энди бўлса-чи, унинг мулклари,
Саройлари ва хуторлари ёнмоқда,
Қўрғон иморатлари, о, бари-бари
Ёндилар, сувсаган олов қонмоқда.

Бироқ оталар-чи, одатига содик,
Боболарнинг ўғитларига соқчилардай,
Ётоқлар бўйлаб юрар безовта
Шопдек мўйлабларин учинғимлай.

Боболар буржига кирар унинг ўзи ҳам!
Пойтахтнинг таланган олий зотлари
Қош, қовоқларин уйиб, чекиб ғам
Боқар кўҳна расмлардан. Кимдир отлари?

«ЮРАГИМ ЭШИГИ СЕНГА ОЧИҚ...»

Шоирлик – қисмат, толе ҳамдир. Қисматдан қочиб қутулиш мушкул, бироқ толеига етиш инсон қўлида. Шунинг учун шоирлар бор – шеър битигини қисмати деб билади, шоирлар бор – шеър битиш толеим деб билади. Бу тушунчаларнинг қай бири муҳимлиги ҳақида фикр юритишга, аслида, ҳожат йўқ. Муҳими, уларнинг уйғунлигини излаб, қалбни, руҳни бойитадиган ҳикмат топишдадир. Турсун Али – шоирликни ҳам қисматим, ҳам толеим деб билган ижодкор, ажиб қалб соҳиби. Унинг ижод олами, бадиий маҳоратини қисқача сўнгсўзда очиб бериш қийин, албатта. Шоир ўзи иқрор бўлганидек: «Умид ойналари синди чил-чил, энди тун йўқ, энди кун йўқ. Энди бу ёғи – мен билмаган Дунё» («Кўнгил изтироблари»). Умид ойналари чил-чил синмаган шоир бормикан? Тундан кунни, кундан тунни фарқлай олмаслик ўша шоирга аён эмасми?! Ким дунёни биламан деб даъво қилибди, асли? «Ҳамма юраётган йўл, наҳот, менга тор келса, Оллоҳим?!» – деб фақат уйғоқ қалб эгаси, шоир айта олади.

Турсун Али шеърлари сохта мураккаблик яратишдан, юзаки қиёслару ташбиҳлар яшадан холи. Баъзи шеърлари шунчалик содда, равон ва ўқувчига танишки, ҳатто бу шеърларни қачондир шеърхоннинг ўзи ёзгандай туюлади. Бироқ қалб, руҳ қалам истагига бўйсунмайди. Чунки чин шеъриятда қалам қалб, руҳ истагига бўйсунмади-да!

Шоир шеърларида гоҳ ўз хаёллари, гоҳ Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, мусаввир Дилором Мамедова каби улғу ижодкорлар билан сўхбатга киришади, севги изтиробларига тўла қалблар билан қайта дардлашгандек бўлади.

Тўғриси айтсам, менга Турсун Алининг Мухаббат, Изтироб, Аёл, Рухият, Фалак, Ҳаёт ҳақидаги шеърлари кўпроқ ёқади. Нафис сатрларига қулоқ тутайлик:

Маъюс шодлик ўртайди мени,
Ўтмишларга етаклар хаёл.
Сен-чи,
Танҳо ўйлайсан нени,
Эй мен севиб, севмаган аёл?

(«Маъюс шодлик ўртайди мени» шеъридан)

Маъюс шодликни тасаввур этиш қийин, албатта. Биз шодликни фақат хурсандчилик, қувонч деб биламиз. Шоир янги воқеликни, яъни «маъюс шодлик»ни тилга оляпти. Кимнидир, ниманидир интизор кутганинда у билан боғлиқ шодлик дилни ўртовчи туйғуга, маъюсликка айланади. Бундай туйғуни унутиш қийин, пайти келганда у чексиз аламга, изтиробга, ҳижронни ланъатловчи нидага айланади.

Гоҳо шоирнинг руҳи ёлғизлик истаб қолади. Бир шеърида: «Мен ёлғизман кўнглим билан, Рухим чўмган ажиб туйғуга», – деб ёзади. Бундан ажиб ва дилга яқин ҳолатни туясан: у ўзинг билан ўзинг ёлғиз қолиш, кўнглинга яқин кимса билан пинҳона сўхбат қуриш истаги бўлиб, бепоён хаёллар кенглигига судраб кетади.

Баъзан инжа туйғулар акс этган шеърида шоир ён-атрофидаги майда-чуйда гап-сўзлардан, маънан қашшоқ кимсаларнинг истеҳзою таъналаридан холи ва руҳиятини эркин сезади. Очигини айтсам, менга шоирнинг ўзи учун ёзган, ўзини тафтиш этган шеърлари кўпроқ ёқди. У ана шундай некбин кайфиятда: «Шоир юрагида оташин

илинж, Қани ўша илинж? Йўқотдим бу тун!» («Бор») – дея ҳайқариши мумкин.

Унинг шеърларида ушбу ҳайқариқ гоҳ «Дадил тутаман-да отнинг ёлидан, қошинга еламан соғинч-ла, юлдуз», «Овозимни юлган шамоллар маҳзун, дунё кўз ёш тўқар ҳолимга аччиқ», «Кўз каби кўнглим ҳам мотамзор – ғамгин» («Кўзги кунлар»), «Ичимда кезинар бетиним, уйғоқ, Дунёга сиғмаган дилгир ишончим» («Мен сени йўқотдим...») каби мисраларда акс этади. Гоҳо ушбу ҳайқариқ она тилига, Ватанга, қадрдон Табиатга, Сўх дарёсига мадҳияга айланади.

Турсун Али ижодида ватан ва ватанпарварликка оид шеърлар талайгина. Дастлаб бу мавзуда ёзганларини ўқиганимда, масалан, «Зомин тоғларида», «Тоққа тикиламану...» каби замондошу заминдошларига бағишланган шеърларида янги фикр, янгиликка ташна тафаккур таъсири камроқ сезилди. Кейинроқ шуни англадимки, шеърни камида икки марта, иложи борича биров вақт ташлаб қўйиб, кейин яна ўқиш керак экан. Юқоридаги шеърларни биринчи марта ўқиганимда улардан унча таъсирланмагандим, вақтим кетганига биров ранжидим ҳам ҳатто. Вақт ўтиб эса яна уларга қайтдим, уларнинг тагидаги бадий моҳиятни, ҳаёт фалсафасини англашга тутиндим. Улар энди бошқачароқ, сермазмунроқ кўринди. Бу ҳам менга Турсун Али шеъриятининг берган ажойиб инъомидир.

Ёз. Зомин тоғида кезади салқин,
 Ҳаволар мовийдир жонга шифобахш.
 Қадимий арчалар тебранар сокин,
 Еллар оғушида энтикиб намхуш.

Шоирнинг шоирлиги шундаки, у оддий тасвирга ҳис-ҳаяжон, кўнгилга яқин туйғу бера олади. Юқоридаги мисраларини у қуйидаги сатрлар билан бойитиб, тўлдириб юборгандек:

Мен чўққилар сари юраман шахдам,
 Рўҳимда ғаройиб ҳис ва ҳаяжон.

Кўнглим ҳам юксалар тоғдек ушбу дам,
Чўққига талпинар қушдек митти жон.

Ҳа, Зомин тоғлари Ҳимолай каби маҳобатли бўлма-
са-да, инсон ўзини беадад кенглик, беғубор мовий фа-
лак, намхуш шабадага нимаси биландир дахлдор, ошно
эканини туяди. Митти жон туйишга, англашга, севишга
қодир. Шоир иқрор бўлади:

Кўк кўйлак арчалар мисли паризод,
Бағрига чорлайди яшнатиб кўзни.
Вужудимда сойдек оқар ҳиссиёт,
Тамом бахш этаман йўқотиб ўзни...

(«Зомин тоғларида» шеърдан)

Ватанпарварлик ўзини йўқотиб, буткул ватанга
бахш этиш эмасми? Ватанининг «Қанот ёйган туни»,
«Чарақлаган ойи», «Катта тоғлари», «Намхуш шабадаси»,
«Ёниқ юлдузлари» мафтункор мавзу эмасми?! Шоирнинг
«Юрт одами», «Баҳор», «Кўклам ташбихлари», «Тошкент
Сити оқшоми», «Кўзги кунлар», «Қиш ёмғири», «Биринчи
қор» каби шеърларида ҳам ватанининг табиати, баҳору
қиши, кузи, ёмғиру қорлари куйланади.

Шоир табиатга ошиқ. Тоғлардек кўкка тик қадалиб
туришни орзу қилади. «Тоғ, Булутларга бошин тираганча,
абадият кўшиғини куйлаганча тураверар мағрур». Шоир
шоирлиги учун мағрур яшаши керак эмасми?! Менимча,
мавҳум борлиқни бетакрор, гўзал, серҳис мисраларга
айлантира олган шоир мағрур яшаши керак!

«Уруш соғинч қотган кўзларда, жангчи сочларидек
тўзғоқ хаёлларда», «Ҳайратим, ҳайратим тоғ олдида қув-
ноқ бир томчи» каби мисраларда яратилган образлар
Турсун Алининг бадий маҳорати, ўзига хос овозини
ифодалаб турибди.

«Лаҳзалар» деб аталган туркумида Турсун Али: «Яхши
яшадимми? Билмайман. Кел, бугун қўлларингни бер, Юра-
гим эшиги сенга очик, севгилим!» – деб иқрор бўлади.

Шоир хаёллари билан қола билсагина эъозлидир,
унинг иқтидори ҳам шунда нима излаётганини илғайди.
Бу туйғу-изтиробларга, сўлган гулни эслашга адашиш ва
танҳоликка мубтало этиши учун ҳам шоирга дард керак.
У дардини тўкиб, инсон руҳи сарҳадларини янги мис-
ралар, образлар, тасвирлар билан бойитади. Шоирга
асло раҳм қилманг, у дардини тўкишга имкон қидирсин!
Қидираверсин! Бедард руҳ шоирнинг қотилидир. Дардини
тинглаган юрак шоирни кашф этажак!

Тун ярмидан оған. Ташқари жимжит,
Оқарган сочлардек осмон оқ-оппоқ.
Қайдасан, севгилим, қалбимни эшит,
Қўшиқ туғилмоқда мунгли ва ингроқ.

Майли, мунгли бўлсин, ингроқ бўлсин, лекин қўшиқ-
куй ва шеър туғилсин! Турсун Али қалбига ҳамроҳ дард-
дан, серҳис туйғудан туғилсин!

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Юрт одами.....	4
Она тилим.....	5
Уруш.....	6
Тошкент Сити оқшоми.....	7
Баҳор.....	8
Кўклам ташбеҳлари.....	9
Лаҳзалар.....	10
«Ёмғир тинди. Осмон мусаффо...».....	14
«Саратон...».....	15
Зомин тоғларида.....	16
«Тоққа тикиламану...».....	19
Сўх дарёси.....	20
Мусаввир.....	22
«Поёнсиз дала...».....	23
«Оқ Шом...».....	24
Ранглар оҳанги.....	25
Оқар дарёлар.....	26
Эслаш.....	27
«Оқ олмалар...».....	29
Тушлар.....	30
Пабло Неруда.....	32
«Бор».....	33
Тўхтаб қолган вақт.....	34
«Мен ухлаб ётсам...».....	35
«Қаршимда уч дарахт солланар...».....	36
«Мен сени йўқотдим, ишончим, дўстим...».....	37

«Ўз йўлимдан бораман танҳо...».....	38
«Кун кечаётир...».....	39
Кўнгил изтироблари.....	40
«У ким?...»	42
«Мен шеър ёзмокдаман...»	43
«Сени унутмасман, севгилим...»	44
«Қаноти қайрилган қушча мисоли...».....	45
«Рутубат чулғаган хонадан чиқаман ўкириб...»	46
Кўзги кунлар	47
«Куз офтоби тафти ёқимли...».....	48
«Кеч куз дамларида учратдим уни...»	49
«Жимирлайди бепоён осмон...».....	50
«Сўнгсиз осмон ўзра нигоҳим...»	51
Қиш ёмғири	52
«Тун кечмоқда сукунат ила...».....	54
Биринчи қор.....	55
«Қор ёғяпти, шовуллар олам...»	56
«Мен унинг ёнига бормоқчи бўлдим шу тоб...».....	57
Ёлғиз кунлар	58
«Мен бугун шодман...».....	61
«Эй умид...»	61
«Сенинг маъюс табассуминг...»	61
«Тун ярмидан оған. Ташқари жимжит...»	62
«Маъюс шодлик ўртайдим мени...»	63
«Мен сенинг кўйингда йўловчи, танҳо...»	64
«Ҳавода изғийди аччиқ изғирин...».....	65
«Ажабтовур оҳанг...».....	66
Ёлғиз.....	67

«Тонг саҳар...»	68
«Ваҳима солади...»	68
«Қалдирғочлар...»	68
«Сукунатзор...»	68
Хлебников	69

ТАРЖИМА ДАФТАРИДАН

Велимир Хлебников	72
Йиллар, одамлар ва эллар	73
Осиё	74
«Майнавознинг хира куз тунукасин...»	75
Очлик	76
«Совуқ музли ирмоқлардан...»	79
Эркинлик	82
«Оқшом...»	83
«Замон гирдобидида қамишлар...»	84
Алфёрова	85
«Юрагим эшиги сенга очиқ...» Сўнгсўз ўрнида	87

Адабий-бадий нашр

Турсун АЛИ

МАЪЮС ШОДЛИК

Мухаррир: Маҳфуза ИМОМОВА
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Алимардон АҚИЛОВ
Мусаҳҳиҳ: Алишер ТУРСУНОВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 25.05.2020 й.
Босишга рухсат этилди: 26.06.2020 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108^{1/32}.
Futuris гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 2,21. Шартли б.т.: 5,04.
Адади: 1000 нусха.
Бююртма № 108

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

«Matbaachi» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳкўчаси 38-уй.